

ЛУҒАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ЎҚУВЧИЛАР СЎЗ БОЙЛИГИНИ ОШИРИШ

Сурмахон Исмоилова,

Андижон давлат университети, Педагогика факультети

Бошланғич таълим методикаси кафедраси, катта ўқитувчиси

Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида она тили фанини ўқитишнинг мақсади ёшларимизни ижодий фикрлашга, ўз фикрини эркин ва таъсирли қилиб ёзма ва оғзаки шаклда ифодалашга, фикр доирасини кенгайтиришга, Ватанимизни, миллий анъаналаримизга, бой маънавиятимизга меҳр муҳаббат руҳида тарбиялашга ўргатишидир.

Маълумки, она тили бошланғич синфларда асосий ўқув предметларидан биридир. Кичик ёшдаги ўқувчилар тилдан муҳим тушунчалар тизимини ўзлаштирадилар, ўқиши, ёзиши, нутққа оид билим, кўникма ва малакаларни эгаллайдилар. Она тили машғулотларининг асосий вазифаси ўқувчиларга сўз, бирикма ва гапни барча қирралари билан тўғри, ўринли ишлата олиш, сўзларни тўғри танлаш, нутқни тингловчига қулай тарзда етказишини ўргатишдан иборат.

Ўқувчилар нутқининг гўзаллиги, изчиллиги, таъсирчанлиги асосан уларнинг луғат бойлиги билан боғлиқ. Ўқувчининг луғат бойлиги деганда ўқувчи биладиган ва янги ўзлаштирган сўзлар назарда тутилади. Ўқувчининг луғати қанчалик бой бўлса, у ўз фикр-мулоҳазаларини ва қарашларини шунчалик мукаммал ва тушунарли ифодалайди. Ўқувчилар луғат бойлигини бойитиб бориш фақатгина она тили дарсларида эмас, фаолиятнинг барча жабҳаларида дастлаб оиласда, кўчада, мактабда, бошқа фанларни ўқитиш жараёнида амалга ошади. Радио ва телевидениеда бериладиган эшиттиришлар, телекўрсатувлар, бадиий адабиёт, умуман, болани ўраб турган ижтимоий муҳит – ҳамма-ҳаммаси ўқувчининг сўз бойлигини оширувчи манбалар бўлиб ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг сўз бойлигин ошириш она тили дарсларининг асосий вазифаларидан саналиб, уларни турли луғатлар билан таништириш, бу луғатлардан фойдаланиш малакасини шакллантириш, бунинг учун, энг аввало, луғатдан фойдаланиш эҳтиёжи ҳосил қилиниши керак. Агар ўқувчидан луғатдан фойдаланиш эҳтиёжи ҳосил қилинмаса, сезилмаса, у луғатга мурожаат қилмайди. Луғатлар уларга қарма-қарши маъноли сўзлар, тасвирий ифода ва иборалар, фразеологик бирикмалар билан бойитиш, ҳар хил, шакли



бир-бирига яқин сўзларни аниқлаш, нутқда сўзлардан тўғри ва ўринли фойдаланиш малакаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Ўқувчилар луғатини бойитишида бир қатор хусусиятлар эътиборга олинади:

- 1) сўзларнинг амалий аҳамияти, яъни бутун таълим жараёни учун маърифий аҳамиятга эга бўлган сўзлар;
- 2) сўзларнинг нутқий жараёнида қўлланиши, унинг мунтазам ёки алоҳида ҳолатлардагина қўлланиши;
- 3) сўз маъносининг тўла тушуниши, ўринли фойдаланиш ва нутқий вазиятга мос равишида ишлатилиши назарда тутилади.

Бошланғич синфларда она тили машғулотларининг асосий қисмини нутқ ўстиришга қаратилган ишлар ташкил этади. Нутқ ўстиришга қаратилган ишларнинг кўп қисми луғат билан олиб борилади. Ўқувчиларнинг луғатини бойитишнинг жуда кўп усуллари мавжуд. Шундай усуллардан бири белгини билдирувчи сўзларни ўқувчиларга тушунтириш. Бизга маълумки, белги билдирувчи сўзлар бошланғич синф ўқувчиларининг нутқини ўстиришда ва чиройли сўзлашиш малакасини шакллантиришда асосий воситалардандир.

Белгини билдирувчи сўзлар орқали иш олиб боргандা:

1. Ўқувчиларни дастлаб белги билдирувчи сўзлар билан танишиши.
2. Матн ва шеърлардан шундай сўзларни топиш малакасини ҳосил қилиш.
3. Шундай сўзларда сўзлашиш жараёнида қўллашни ўргатиш.

Белги билдирувчи сўзларни ўқувчиларга тушунтиришда ўрганилаётган мавзуга мувофиқ мисоллар танланади.

Ўқувчиларга тилнинг яхлит бир белгилар тизимидан иборат эканлигини тушунтириб, тил тузилиши ҳақида маълумотлар бериш, уларни тил ва нутқни бир-биридан фарқлашга ўргатиш, зукколик, сўзни тўғри танлашга, нутқда синоним, омоним, антонимлардан тўғри фойдаланишга ўргатиш, тил услугбларини тўла ўзлаштириш ўқитувчининг асосий мақсад бўлмоғи зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Google uz.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Т.: 2006.
3. Фуломов А., Қобулова Б. Нутқ ўстириш машғулотлари. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. Тошкент. Ўқитувчи. 1996.
4. Юсупов М.. Ўқиши ва ёзув дарслари самарадорлигини ошириш. Тошкент. Ўқитувчи. 1990.

